

115 :99- { }.

16 - { }.

.

Аллоҳ таоло: «**Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир. Ва Қиёмат кунда ҳеч шак-шубҳасиз ажр-савобларингизни комил суратда олурсиз. Бас, ким дўзахдан четлатилиб, жаннатга киритилса, муҳаққақ (бахт-саодатга) эришгай. Бу ҳаёти дунё эса алдагувчи матодир**» (Оли Имрон сураси, 185-оят).

«**Бирон жон эртага нима иш қилишини била олмас. Бирон жон қай ерда ўлишини ҳам била олмас**» (Луқмон сураси, 34-оят).

«**Бас, қачон уларнинг ажаллари етиб келганида эса уни бирон соат кетга ҳам сура олмайдилар**», «**Эй мўминлар, на мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўғиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир. Сизларнинг (ҳар) бирингизга ўлим келиб, у: «Парвардигорим, мени озгина муддатга (ҳаётда) қолдирсанг, мен хайр-садақа қилиб, солиҳ (банда) лардан бўлсам», деб қолишдан илгари - Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қилингиз. Аллоҳ бирон жонни ажали келган вақтида (вафот эттирмасдан) қолдирмас. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир**» (Мунофиқун сураси, 9-11-оятлар).

«**Токи қачон улардан (яъни мушриклардан) бирига ўлим келганида: «Парвардигор, мени (яна ҳаётга) қайтаринглар. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам», деб қолур. Йўқ! (У асло ҳаётга қайтарилмас). Дарҳақиқат, бу (ҳар бир жон бераётган кофир) айтадиган сўздир. Уларнинг ортида то қайта тириладиган кунларигача (дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган) бир тўсиқ бўлур**» (Муъминун сураси, 99-100-оятлар).

«**Ерда қанча йил турдинглар?**» - деди (Аллоҳ). Улар айтдилар: «**Бир кун ё ярим кун. Санаб тургувчи (фаришталардан) сўрагин**», (Аллоҳ) деди: «**Агар сизлар биладиган бўлсангизлар (дунёда), жуда оз турдингизлар (яъни сизлар абадий деб ўйлаган дунё аслида жуда оз муддатдир). Ёки сизларнинг гумонингизча Биз сизларни бехуда (яъни**

